

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 177-ҳадис

وَعَنِ الْعَرْبَاضِ بْنِ سَارِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ حَدِيثُ السَّابِقِ فِي بَابِ الْمُحَافَظَةِ عَلَى السُّنْنَةِ [برقم 164].

Ирбоз ибн Сориядан ривоят қилинган юқоридаги «Суннатни муҳофаза қилиш» бобидаги 164-рақамли ҳадисни ҳам бу бобга далил қилинади.

Шарх: Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хутба қилаётган пайтларидағи ҳоллари ва хутбада айтадиган гапларидан баъзи намуналар келтирилмоқда.

Ривоятдан кўриниб турибдики, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хутбаларини чин дилдан қилгандар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилар эканлар, худди лашкарни жангдан олдин душмандан огоҳлантираётган аскарбошига ўхшаб, кўзлари қизариб, овозлари баланд, ғазблари шиддатли бўлиб кетар эди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундоқ қилиб ўз умматларини дунёнинг қийинчиликларига қарши курашга чорлар эдилар. Бу жангда ғолиб келиб, дунё ва охиратда ғалабага эришишга ҳозирлар эдилар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам хутбаларида кишиларни қиёматнинг яқин қолгани билан огоҳлантираса ва ўзларининг Пайғамбар қилиб юборилганликлари ҳам қиёматнинг яқин қолгани аломати эканини айтиб, бунга икки бармоқларини бир-бирига жуфтлаб ишора қилиб кўрсатар эдилар.

Демак, хутба қилувчи хатибларимиз ҳам ўзлари гапираётган мавзу ила яшамоқлари, чин қалбларидан чиқариб гапирмоқлари керак. Шу билан бирга, хутбалари таъсирли бўлиши учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшаб таъсирли ишоралар, услубларни қўллашлари лозим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кўпинча хутбалари бошида ҳамду санодан сўнг:

«Албатта, гапнинг яхшиси Аллоҳнинг китобидир. ҳидоятнинг яхшиси Муҳаммаднинг ҳидоятидир. Ишларнинг ёмони янги пайдо бўлганларидир. ҳар бир бидъат залолатдир», дер эдилар.

Ушбу қисқа, пурмаъно сўзларни мўмин-мусулмонларга доимо эслатиб туриш лозим. Қолаверса, ҳар бир мусулмон бу муборак сўзларни ёдлаб олиб, доимо такрорлаб юрмоғи керак.

Хатиблар эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилиб одамларга бу сўзларни тез-тез эслатиб туришлари лозим.

1. «Гапнинг яхшиси Аллоҳнинг китобидир».

Дунёда ундан яхши китоб йўқдир. Шунинг учун бандалар барча эътиборларини Аллоҳнинг китоби- Қуръони каримни ўрганишга ва унга амал қилишга қаратмоқлари лозим. Афсуски, бу нарсани ўрнига қўя олмаяпмиз. Кўпчилигимиз амал қилиш у ёқда турсин, Аллоҳнинг китобидан бир сўз ҳам билмаймиз. Билганларимиз эса жуда оз. Ўша озгина билганларимизга ҳам амал қилишга дангасамиз.

2. «Ҳидоятнинг яхшиси Муҳаммаднинг ҳидоятидир».

Дунёда бу ҳидоятдан яхши ҳидоят йўқ. ҳар бир инсон учун икки дунё баҳт-саодати йўлини аниқ кўрсатиб берадиган ҳидоят Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидоятидир. У зотнинг ҳидоятларидан бошқа икки дунё саодатини кўрсатишга даъвогарлик қиласидиган нарса залолатдир.

Биз мусулмонлар бу ҳақиқатни яхшилаб англа бетмоғимиз, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидоятларини мукаммал ўрганишга, унга сидқидилдан амал қилишга ўтишимиз керак. Икки дунё саодатини бошқа томондан излашимиз залолат эканини тушуниб бетмоғимиз лозим.

3. «Ишларнинг ёмони янги пайдо бўлганларидир».

Яъни, динда йўқ, бидъат сифатида янгидан пайдо бўлган нарса энг ёмон ишдир. Шунинг учун хурофий ишлардан қочиш керак. Ишларнинг энг ёмони ўшалар эканини асло унутмаслик керак.

4. «Ҳар бир бидъат залолатдир».

Бидъат Исломда йўқ нарсани Исломдан деб кўрсатиш бўлиб, у залолатдир, адашишдир. ҳар бир залолат эса дўзахга олиб боради. Мусулмонлар бу ҳақиқатни ҳам яхшилаб англа бетмоғимишлари лозим.

Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хутбаларида:

«Мен ҳар бир мўмин учун унинг ўз жонидан ҳам қимматлиман. Ким мол тарк қилса, унинг аҳлигадир. Ким қарз ёки зое (бола) тарк қилса, менга ва менинг зиммамгадир», дер эдилар.

Энди ушбу гапларни таҳлил қилиб кўрайлик.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир мўмин учун унинг ўз жонидан ҳам қимматлироқ эканлари у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир мўминни ҳидоятга бошлиашлари ва ҳалокатдан қутқариб қолишилариданdir.

«Ким мол тарк қилса, унинг аҳлигадир».

Яъни, ким вафотидан кейин ортида молу дунёси қолса, уни ўз аҳли - меросхўрлари бўлиб оладилар.

«Ким қарз ёки зое (бола) тарк қилса, менга ва менинг зиммамгадир».

Яъни, ким вафот қилсаю ортидан қарз қолса, ўша қарзни узадиган одам бўлмаса ёки ёш болалар қолсаю уларни кафолатта оладиган одам ҳам бўлмаса, ўша қарз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳисобларидан, мусулмонларнинг Байтул молидан узилади. Ўша қаровсиз қолган ёш болалар ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёки Байтул молнинг қаромоғига ўтадилар.

Манба: hadis.islom.uz

